



# HURRIYAT


O'zingizni anglas!

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 21-dekabr, chorshanba • № 51 (751) • 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## Саёҳат ва зиёрат шуқуҳи


Тошкент темир йўл вокзалидан ўзига хос салобат ва маҳобат билан кўзгалган афсонавий «Афросиёб» тезкор поезд эрта тонгда ўлкамиз сарҳадлари бўйлаб бир зумда гўёки «қанот ёзди». Юртимиз узра ёйилган мунаввар тонг, хайрли сафар шуқуҳи дилларимизга фахр ва ифтихор туйғулорини бахшида этди. Йўллар равон, шаҳар ва қишлоқлар обод, далалар бепоеён. Ўлкамизнинг кўркэм кентлари гўё зарҳал ранглар оғушида товланарди.



3-бет

## Осмонда осилган офат


Яқинда Бойқўнғир космодромидан фазога кўтарилган ва Марс сайёраси йўлдоши саналмиш «Фобос»нинг тупроқ қатламидан намуна олиб келиши керак бўлган «Фобос-Грунт» планеталаро станцияси билан ҳам алоқа узилгани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Ҳозир ердан тахминан 200 километрга яқин масофада айланиб юрган ушбу объектни бинокл орқали ҳам кўриш мумкин.



5-бет

## Болажонларга байрам тўғфаси

Янги йил тадбирларидан энг асосийси — ҳадемай пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» санъат саройида ўтказиладиган «Президент арчиси» байрам тадбирини Юртбошимизнинг Ватанимиз келажак бўлган ёш авлодга бўлган юксак эътибори ва ғамхўрлиги ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин.



8-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОДКБ ВА МАХ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 декабрь кунини Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олий органларининг сессияларида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Шундан сўнг аъзо мамлакатлар расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги мажлис бўлиб ўтди.

Президент Ислам Каримов ўз нутқида Ўзбекистон нуктаи назарига кўра, принципиал аҳамиятга молик масалаларга тўхталди.

1992 йилда имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома унда иштирок этаётган давлатларнинг суверенитетини сақлашни таъминлашга қаратилган ўзининг асосий вазифасини муносиб бажариб келмоқда. ОДКБ томонидан Шартномани мустаҳкамлаш ва уни бугунги геосиёсий вазиятга мослаштириш бўйича амалга оширилган чоралар ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни фаоллаштириш ва коллектив хавфсизликнинг самарали тизимини шакллантиришга киришиш ва янги таҳдид ҳамда хатарларга қарши курашиш имконини берди.

2002 йилда ташкил этилган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти аъзо мамлакатлар ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Ташкилотнинг фаолият йўналишлари кенгайиб, терроризм, гиёҳванд моддалар ва курол-ярғоннинг ноқонуний савдосига, уюшган транснационал жиноятчиликка қарши курашиш, фақуллодда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва бошқа йўналишларни қамраб олган.

ОДКБга аъзо давлатлар ўзлари масъул бўлган ҳудудда барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Мажлис якуни бўйича ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарларининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг 20 йиллиги ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг 10 йиллиги муносабати билан баёноти қабул қилинди, қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу кунини МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг ҳам мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида МДХ ва унинг таркибдаги институтларнинг ўтган 20 йил давомидаги фаолиятини батафсил таҳлил қилар экан, кескин тарихий бурлиш палласида ўз умрини яшаб бўлган тизимни тинч йўл билан тугатишда ушбу тузилма муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ташкил тоған давлатдан бошлаб, унинг амалий ҳаракатларини бирлаштирадиган ва янги шаклдаги кўп томонлама ҳамкорлик учун ишончли платформага айланишини мунтазам ёқлаб келмоқда.

Мажлисида Ислам Каримов Ҳамдўстлик унга аъзо мамлакатлар халқларининг манфаатлари ва фаровонлиги йўлида кўп томонлама ҳамкорлик учун ишончли платформа яратишдан бирдек манфаатдор бўлган суверен давлатларнинг бирлашмаси эканини таъкидлади.

Ҳамдўстлик 20 йиллик фаолияти мобайнида ўз ваколатлари бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан кўплаб хайрли ишларни амалга оширди ва оширмоқда. Ўзбекистон раҳбари МДХ тузилмагинида собиқ иттифок ҳудудида кўплаб муҳим ҳаётий йўналишларда, авваламбор савдо-иқтисодий муносабатларни, коммуникация ва транспорт соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш ва гуманитар соҳалар каби устувор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қандай имкониятларга эга бўлишимиз мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи мушкул эканини қайд этди.

Ўзбекистон томони, айрим параллел интеграцион жараёнларга қарамай, МДХнинг келажакга ишонч билдиради. Ҳамдўстлик кўп қиррали умумий ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлиши, шунингдек, бевосита мулоқотлар ҳамда давлатлараро мунтазам алоқалар, шу жумладан, МДХ доирасидаги икки томонлама учрашувлар, мамлакатлар ва тегишли тузилмалар раҳбарлари даражасидаги музокаралар учун платформа ёки форум бўлиб қолиши мумкин ва зарур.

Сўнги йилларда собиқ иттифок ҳудудида интеграцияга оид янги ташаббус ва тақлифлар илгари сурилмоқда, давлатлараро турли тузилма ва иттифокларни шакллантириш жараёнлари давом этмоқда.

Ўзбекистон ўзининг бу масаладаги ёндашуви ва сиёсатини биринчи навбатда узоқ муддатли миллий манфаатлари асосида, мамлакатни модернизация қилиш бўйича амалга ошириладиган устувор йўналишлар, шунингдек, амалдаги миллий қонунийлик ва қабул қилинган халқаро мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилайди.

МДХ фаолиятининг самардорлиги унинг доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳамда фаолият йўналишларининг истисносиз барча аъзо мамлакатлар манфаатларига, бутун Ҳамдўстлик ҳудудида барқарор тараққиётни таъминлаш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги доллар мақсад ва вазифаларга нечоғли мос келишига боғлиқ экани таъкидланди.

МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига оид ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгаши ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлислари якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА



Муносабат

## Устаҳкам оила — аънавият кўрғони

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайди-ган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Ислам КАРИМОВ

Ш ахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодларига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила — ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафқуравий тарбия омили ва муҳитидир. Миллий мафқурамизга хос илк ту-

шунчалар инсон қалби ва онига аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оила — жамиятнинг ўзағи, миллатнинг давомийлигини таъминлайдиган муқаддас даргоҳ ҳамдир.

Оиланинг асрлар мобайнида сақланиб кела-

ётган муқаддас аънавалари орқали Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир шахс оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватанни оstonадан бошла-нишини тушунмасдан туриб, мукамал инсон саналмайди.

Ҳаётнинг ўзи энг доно муаллим, дейди кўпни кўрган устозлар, нуруний отахон ва онахонларимиз. Дарҳақиқат, шундай оилалар бўладики, бир умр уларга, уларнинг ту-тумлари, оилавий аънавалари, фарзанд тарбияси борасидаги қарашларига таяниб, уларга ҳавас билан интилиб яшайсан. Бундай оилада биз шарқона одобни, ахлоқни, меҳр-муҳаббатни, ҳурмат-эъзозни, оқибатни, ибодатни, бир сўз билан айтганда юксак маънавиятни тўқис кўраемиз.

Халқ ва миллатнинг маънавияти, ахлоқи, эзгу аънавалари, қўйинги, унинг бор миллий бойлиги бўлган маънавий бисоти ана шундай оилаларда тарбия тоған қалбларда сайқалланиб, бойиб бошқа қалбларга, авлодларга ўтади.

Яратганининг марҳамати билан оилани мустаҳкам қиладиган зот бу Аёлдир. Аёлни улугламоқ — оилани, Ватанини, ҳаётни улугламоқ демакдир.

Оила мустаҳкамлиги, унда фарзандларнинг камол топиши, эзгу фази-латларга эга бўлиши она алласидан, бувижонлар айтиб беражак эртақлардан бошланади.

7»

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

## ҲАЁТНИНГ ШОҲ АСАРИ

Бундан анча йиллар илгари бир маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат юзасидан борганимда у ерда ёш оиланинг қўйди-чиқди масаласи кўрилатган эди. Иштирок этдим. Гапнинг очиги, ёш эр-хотиннинг ўзаро келишимовчилиги узоқ вақтдан буён давом этаётган экан. Ачинарлиси, ўртада икки нафар норасида гўдак овораю сарсон.

Ў шандаги ҳолат ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Маҳалла оқсоқолининг хонасида эр ва хотин томондан келган вакиллар жой олган. Ҳамманинг мақсади муштарак: ёш оилани асраб қолиш. Томонлар бири қўйиб, бири гапир-япти. Келин томондан келган маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси айтган сўзлар ҳамон қулоғим остида жаранлаб турибди. «Сиз турли маиший, ўткинчи масалаларни деб ажрашиб кетишингиз мумкин. Лекин, мана бу қоракўзларнинг тақдирини нима бўлади? Сиз келишолмасангиз, тил

топишолмасангиз буларда нима айб? Ахир, уларни тирик етим қилиш увол-ку! Уларнинг келажакга болта уриб, кечирилмас гуноҳ қилаётганингизни биласизларми? Болажонлар бамисли фаришта. Уларнинг кўнгли ярим, дили ўксик бўлса, сиз ҳеч қачон бахтли бўлолмайсиз, хотиржам яшолмайсиз», — деди у қуёниб. Йиғилганларнинг барчаси бу гаплардан таъсирланиб кетди. Ҳали у, ҳали бу сабабни баҳона қилаётган эр-хотин ҳам бошини қуйи эгиб, жим қолишди. Сукут аломати ризо, улар мурося йўлини танлашди. Энг муҳими, ҳаёт деа аталмиш уммоннинг беъза тўфон-

лари олдида ожизлик қилиб, уни енгиб кетиш чорасини тополмаётган бир оила сақлаб қолинди. Икки гулдек болақай бағри ва бахти бутунликда яшайдиган бўлди... Ҳа, оила — ҳаётнинг шоҳ асари. Унинг нечоғли сермазун ва умрбоқий бўлиши эр-хотинга боғлиқ. Умр йўлларидан дуч келган турли муаммолар ечимида уллар ёлғиз қолмаслиги — миллий менталитетимизга хос қадрият. Ҳар қандай оғир ҳолатда бундайларга ён-атрофдагилар ва яқинлар ёрдамга келишди. Урни келганда, маҳалла, турли жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари кўмак беради.

2»

«Янги авлод — 2011»



## БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Мамлакатимиз ёшларига санъатнинг барча йўналишларида ўз иқтидорларини намойиш этиб, қобилиятларини янада юзага чиқариш учун зарур бўлган барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Болажонларимиз санъатнинг у ёки бу тури бўйича халқаро миқёсда ўтказиладиган турли кўрик-танловларда иштирок этиши одатий ҳолга айланиб қолди.

6»



✓ **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдида**

## Ватанни севгувчилар, фидойилар байрами

Қуролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлари ижодий уюшмаларининг аъзоси, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аҳолиси Искандар Раҳмон ҳарбий-ватанпарварлик соҳасида фаол қалам тебратётган сермахсул ижодкорлардан биридир. Унинг китобларидаги шеърӣ фидонинг самимийлиги инсон меҳри муҳаббат, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусини бадиий акс эттира олгани билан киши эътиборини тортади.



Суратда: Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейи ўқувчиси **Наби Иброҳимов**. **Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)** олган сурат

**Ш**оир қаламига мансуб қўшиқлар туркуми, турли йилларда чоп этилган «Меҳрибонлар» қиссаси, «Дардинг билан яшайман, дунё!», «Оқ либосли халоскорлар», «Ҳарбий шифокор хазинаси», «Асосат юлдузи», «Шонли йул сабоқлари», «Умр зарварақлари», «Йўллардаги гуллар», «Ўзбекистон аскарларимиз», «Жоним фидо Ватанга», «Мард меҳри — Ватан сеҳри», «Асра болам, ўзингни», «Ҳарбийча алифбо», «Болажоним, хушёр бўл», «Баётларим — қанотларим» каби ўнлаб асарлари муҳлисари томонидан қизгин кутуб олинган. Бу ҳақда асар муаллифининг ўзи шундай дейди. — Ҳаётим, бор билим ва тажрибамни ҳарбий хизматга баҳшида этганман. Тинчлик

осмондан тушмаслигини, уни жонини фидо қилиб асраш кераклигини юрак-юрагимдан ҳис қиламан. Шу боис, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги шеърларни яйраб ёзаман. Самимий, содда, халқона сатрларнинг ўз садоси бўлади. Унлаб қўшиқларим анжуманларда куйланаётганда қалбим фахр туйғуларига тўлиб-тошади. Бу — мен каби ҳарбий шифокор, ижодкор учун битмас-туганмас ифтихор, зўр илҳом бағишлайди. — **Чиндан ҳам овоз ва обид мамлакатимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш, она-Ватанга сидқидилан хизмат қилиш олий соадатдир. Қуролли Кучларимизнинг бир фахрийси сифатида айтиш шукъларда кўнглингиздан кечаётган ҳаяжонли кечинмалар ҳақидаги фикр-уйларингиз**

**билан ўртоқлашсангиз аини мудоа бўлар эди, — дейман отахонини суҳбатга чорлаб.** — Бажонидил. Замондошимизнинг овоз ва обод мамлакатимиз, буюк ва муқаддас, мустақил Ватанамиз Истиқлолнинг кутлуг йигирма йиллик шодиевалари шуқуҳи билан яшаётганини кўриш, ҳис этиб туриш мен каби фахрий кишиларга хузур бағишлайди. Ҳабарингиз бор, мустақиллигимизнинг 20 йиллик тантаналарига яна бир шодиена уланоқда: шу кўнларда юртимизда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўнини ҳар қачонгидан тантанавор руҳда байрам қилишга қизгин таралуд кетмоқда. Ватанимиз сарҳадларида кечаю кундуз эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида мар-

донавор хизмат қилаётган минглаб аскар, сержант, офицерларимиз ўз измларида янада сергак ва хушёр туришибди. Бунинг учун уларга ҳавас қилғилик барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳарбий хизматга оид қўнларимиз янада такомиллаштирилди. Айниқса, мамлакатимиз фуқароларининг мудоатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича миқёсли ва теранлиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган улкан ишлар амалга оширилди. Фуқароларни таълов асосида мудоатли ҳарбий хизматга олиш тизими яратилди. Ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрӯ-эътибори, нуфузи юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди. Мухтасар қилиб айтганда ҳар жиҳатдан қудратли,

⊗ **Таҳририят почтасидан**

## Саёҳат ва зиёрат шуқуҳи

Яқинда биз — пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Қатортол», «Меъазор» ва «Бешқўрғон» маҳаллалари фуқароларидан иборат 100 га яқин нурунийлар мажлаисининг раҳбариятининг инсонпарварлигидан яна бир бор баҳраманд бўлдик.

**Т**ошкент темир йўл вокзалидан ўзига хос салобат ва маҳобат билан қўзғалган афсонавий «Афросиёб» тезорар поезди эрта тонгда ўлкамиз сарҳадлари бўйлаб бир зумда гўёки «қанот ёзди». Юртимиз узра ёйилган мунаввар тонг, хайрли сафар шуқуҳи дилларимизга фахр ва ифтихор туйғуларини бахшида этди. Йўллар раво, шаҳар ва қишлоқлар обод, далалар бепоён. Ўлкамизнинг қўркам кентлари гўё зарҳал ранглар оғушида товланарди. Поезд вагонларининг шинамлигига боқиб тўймайсан киши. Наҳотки, биз кўриб, ҳис этиб турган нарсалар аждодларимизнинг орзу-умидлари, раҳбарларимизнинг саъй-ҳаракатлари рўёби бўлса?! Яқин-яқинларда ҳам оламнинг бундай мўъжизалари ҳақида эшитганимизда ҳайратдан ёқа ушлагувчи эдик. Бугун эса ўзимиз буюк бунёдкорликлар гувоҳи, бево-сити иштирокчиси бўлиб туришимиз. Фидойи замондошларимиз мана шундай турмуш тарзига лойиқ бўлганининг ўзи катта бахт.

Ҳа, юртимизга ташриф буюрадиган меҳмонлар, саёҳатчилар, ватандошларимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Пояндоз тўшалган йўлақлар, сўнгги русумдаги телевизорлар ўрнатилган купеларда йўловчилар иссиқ таом, чою нон, ширин-шакар қандолатлардан баҳраманд бўлиб, йўл ҳавосини олмақда. Ҳамроҳларимиз аввало Аллоҳга шу табаррук, тинч-тотув кунларга етказганига шукроналик дуоларини ўқийди. Биз сингари кексаларга кўрсатилган олижаноблик, ҳиммат учун юртимиз равнақини, обрӯсини қўзлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ободончилик ишлари учун муҳтарам Ўртбошимизга минг бор раҳматлар айтиб, дилимизни хушладик.

Халқимизга хос бўлган мана шундай бунёдкорлик ишлари, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, инсоний фазилатлар мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан кадр топди.

Ўтган йигирма йил мобайнида барча соҳаларда ўзгаришлар, янгиликлар кўни қувонтирадиган даражада бўртиб турганини, шаҳарларимиз, қишлоқ ва овулларимиз ниҳоятда чирой очиб, ободонлашганини ўз кўзимиз билан кўриб, қалбларимиз қувончга тўлди. Бу фаровонлик Ўртбошимиз етакчилигида халқ манфаатларини қўзлаб амалга оширилаётган оламшумул дастур ва лойиҳаларнинг сарҳил меъваридир.

Шуниси қувонарлики, бир неча кунда ойлаб, йиллаб ба-жариллиш мушкул бўлган ишлар амалга оширилаётгани билан бир қаторда халқимизгагина хос бўлган бағрикенглик тўғрисида республикамизда истиқомат қилаётган барча миллат, элат вакиллари ҳам мана шундай эҳтирдан баҳраманд бўлишмоқда. Бундай олижанобликдан, айниқса, биз қариялар мамнунимиз.

Шу кунни лониндай қанот ёзган тезорар поездимиз ҳамиша навқирон Самарқандга у ёндан бу ёнга боққанча мудоатда этиб келди. Баҳри дилимиз очилиб, бу ақим шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, тарихий обидаларини, муҳташам мажмуаларини томоша қилдик. Улуғларимиз қабрларини зиёрат этиб, қалбимиз янада покланди. Шохизинда, Регистон майдонларида буюк ўтмишдошларимизнинг номларини яна бир бор тилга олиб, уларнинг дахиликларига, бунёд этган бинолари савлатига боқиб, таҳсинлар ўқидик. Уларнинг давомчилари бўлган халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятига яна бир бор амин бўлдик.

— Бу шуқуҳи саёҳатнинг боиси бор эди, албатта, — дейди «Бешқўрғон» маҳалла раиси Тўлаған Исмоилов. — Мазкур темир йўлнинг бунёд бўлишида, хусусан, йўлнинг туманимиз худудидан ўтган қисмида шу йилнинг май, июнь, июль ойларида муҳофаза панжараларини ўрнатилишида вакилларимизнинг фаол иштироки, мамлакатимиз тарихида катта аҳамиятга эга бўлган мана шу улкан иншоотнинг бунёд бўлишига қўшган катта ҳиссаси учун маҳаллалар фаоллари бир кунлик зиёратга тақлиф этилган эди. Зиёрат амалларини кўнгилдагидек ташкил этдик, деб ўйлайман.

Маҳалла оқсоқолининг бу дил изҳоридан унинг қалбига ажиб ифтихор туйғулари жўш ўраётганини биз ҳам ҳис этдик.

**Абдуғаффор ЖўЗИЕВ,**  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

⊗ **Олов — тилсиз ёв**

## Бепарволик қимматга тушмасин

Халқимизда «Ўт балосидан асрагин» деган ибора бор. Го-дунда эътиётсиз ёки бепарволик оқибатида бор-будидан бир зумда ажралиб қолганлар ҳам бўлади. Шундай қўлқатларни четлаб ўтиш учун диққат-эътиборимизни содир бўлиши мумкин бўлган ноҳуси ҳолатлар олдини олишга қаратишимиз лозим. Қўнча айрим фуқароларимиз киши фаслида даво ҳарорати кескин пасайиб кетган пайтларда фойдаланиши таққиланган қўлабола ёки хоржий давлатларда ишлаб чиқарилган, сифат сертификатига эга бўлмаган турли хил иситиши мосламалари ва пеллардан фойдаланадилар.

Когон шаҳар ва туман Энгиндан сақлаш бўлими-зи ҳодимларимиз шаҳар ва туман худудидидаги 4800 та хонадонда тез-тез бўлиб, ёнгин ва ташкилотларда, коллежлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек, иқтисодийнинг реал сектори ҳисобланган пахтачи қайта ишлаш ҳамда нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш шох-хобчаларида бўлиб, бу борада тағрибот ва таъшиқот ишларини изчил олиб бормоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад — нафақат куз ва киши фаслларида, балки, йилнинг тўрт фаслида ҳам ёнгин ҳолатлари келиб чиқишининг олди-

**Бобур ЖўРАЕВ,**  
Когон шаҳар ва туман Энгиндан сақлаш бўлими бошлиғи

⊗ **Фаолият**

## ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ САМАРАСИ

Мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Ун тўғрисида йилдан буён ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳаси учун дастуриламал вазифасини ўтаб келаётган Бош Қомусимиз инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳуқуқий қаролати бўлиб хизмат қилмоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинаётганининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ҳам бунинг амалий ифодаси, десак янглишмаймиз. Унда, айниқса, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг овоз этилиши қайта этилганини алоҳида эътироф қилиш жоиз. Зеро, бу юртимизда вояга етмаганларнинг ҳаётида ўз ўринларини топиши учун яратилаётган катта имкониятлардан биридир.

**Т**ошкент вилояти ички ишлар идоралари томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоялаш, шунингдек, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб этишларини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида ўтказилаётган турли тарғибот-таъшиқот тадбирлари, учрашуларда аини шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртилари ва бошқа таълим муассасаларида турли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда талабалар ва ўқувчилар иштирокида 4250 дан ортиқ учрашулар ўтказилди. Шу билан бирга, вилоятда бу соҳада олиб борилаётган

ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида 137 марта чиқишлар қилинди. Поёнига етаётган йилда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, шу қонунга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида муайян амалий ишлар қилинди. Айниқса, масъул идоралар, отаналар ва васийларнинг масъулиятини оширишга катта эътибор қаратилди. «Мактаб — оила — маҳалла» концепцияси бўйича ҳам эътиборга молик тадбирлар амалга оширилди. Натияжада бу ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг қамайишига эришилди. Таъқидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил

16 майда қабул қилинган «Миллият таянч пунктлари инфратузилмасини ва ижтимоий кўника марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори соҳа ходимларининг жиноятчиликнинг олдини олишга доир фаолиятида муҳим ўрин тутди. Қарор ижросини таъминлаш асносида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди: жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарали кеча бошлади.

Вилоятнинг барча худудларида туман ва шаҳар ҳокимиятлари билан ҳамкорликда аҳолига қулай бўлган жойларда, маҳалла гузарларида милиция таянч пунктлари ва уларга туташ бўлган даҳаларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлашга қаратилган турли тўғарлар, спорт майдончалари ва кичик бизнес шохобчалари ташкил этилди. Ҳозирги кунда вилоят худудидида 314 та миллият таянч пункти фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аини пайтда ички ишлар идораларининг профилактика инспекторлари амалдаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар дунё-қарашига сингдириб боришда ҳам фаол ва самарали иш олиб боришмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини чўқур англаб этишига, уларга амал қилишига замин яратаяпти.

**Маҳаммадали ИСМОИЛОВ,**  
Тошкент вилояти ИИБ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, подполковник

Дунё халқлари ўртасида кўнгилолар ва бошқа маънавий тадбирларда пиротехника буюмларидан фойдаланиш одат тусида қирган. Бу эса ўз ўрнида пиротехника воситаларининг у ёки бу мамлакат худудига ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ҳамда маънавий саломатлигига путур етмаслиги учун бундай хавфли воситалар устидан қатъий назорат ўрнатилган.

## Сотилмайди ҳам, отилмайди ҳам

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни пиротехника буюмлари муомаласи бўйича самарали давлат назорати ўрнатилишида, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишда, хусусан уларнинг саломатликлари ва жамоат ҳафсизлигини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Эндилқда мазкур қонунга мувофиқ пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш жорий этилди. Аини кезде, пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг қулайтирилиши бу борада божхона органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 2011 йилнинг 12 декабрига қадар аниқланган пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари 45 тани ташкил этди. Натияжада мамлакатимиз худудига еткан 37 миң донга яқин пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Жумладан, яқинда «Санкт-Петербург — Қарши» авиарейси бўйича ўз парвозини якунлаган чирокчилик Х.Мирзоев божхона кўригидан ўтказилганда 24 дон пиротехника воситаларини божхона баённомаси ва инспекторлар сўрови пайтида маълум қилмасдан яширинча олиб киришга урингани фош этилди.

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам «Сариосиё» божхона комплексига қўшни давлат фуқароси М.Ерибековнинг ноқонуний хатта-ҳаракатларига чек қўйилди. Ушбу шахс «Триния» номили 120 дон пиротехника воситаларини қўл сумкасида яширган ҳолда олиб ўтишни хаёл қилганди. Шунингдек, Бишкекдан учиб келган В.Сохибназаров «Тошкент-Аэро» иктисодлаштирилган божхона комплексини ҳодимлари қаршида ер чиқиб қолди. Унга тегишли юкларда Ўзбекистон Республикасига олиб кириши тақиқланган 23,4 кг. оғирлиқдаги 25 дон пиротехника маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридидаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом этмоқда. Демократизми, бундай ҳуқуқбузарликлар фарзандларимиз учун овуноқ қиринса-да, улар билан уйнаш болажонлар сийхат-саломатлигига жиддий хавф-хатар солиб, ҳатто тан жароҳатлари олишига сабаб бўлиши мумкин. Унутманг, пиротехника воситалари муомаласи — давлат назоратида. Улар савдо шохобчалари, бозорларда сотилмайди ҳам, отилмайди ҳам.

**Ҳусен ТАНҒРИЕВ,**  
Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори

## Хабарлар

## Кузатув

### Ахборот хизматлари малакаси ошмоқда

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ҳузуридаги ахборот хизматларининг салоҳиятини янада юксалиштига кўмаклашиш мақсадида "Ахборот хизматлари фаолияти самарадорлиги ва жамиятдаги ошқоралик" мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари вакиллари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбир ташкилотчиларидан жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Иштван Венцель ва бошқалар кенг жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидан хабардор қилиш тартибларини такомиллаштириш, ушбу органларнинг матбуот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш, матбуот хизматларининг матбуот билан ўзаро алоқасида ОАВга оид қонунчиликдан самарали

фойдаланиш масалалари мундир аҳамият касб этиши хусусида маъруза қилдилар. Хусусан, нотиклар бунда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлатимиз раҳбарли томонидан илгари сурилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг аҳамияти бекиёс бўлишини алоҳида таъкидлашди.


борасида Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда ЕХХТ билан ҳамкорликда «Амалга оширилаётган ислохотларнинг ошқоралигини таъминлаш: давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ҳузуридаги матбуот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари» лойиҳаси амалга оширилмоқда, — деди А.Абдуллаев. — Мазкур икки йиллик лойиҳа учта: жамоатчилик, иқтисодий ва ижтимоий йўналиш бўйича босқичма-босқич амалга оширилмоқда. У давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ҳузуридаги матбуот хизматларининг 120 нафардан ортиқ раҳбарлари ва ходимларини қамраб олади.

Лойиҳа доирасида мамлакатимиз ва хорижий экспертлар иштирокида ўқув қўлланма тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, фаол иштирок этган ахборот хизматлари вакиллари есдалик совгалари билан тақдирланиши, амалий тажриба алмашиш мақсадида Европа давлатларига юборилиши режалаштирилган.

Шамсиддин ОМОНОВ,  
ТДЮИ талабаси

Юртимизда барча соҳалар катори спортнинг жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, нуфузли халқаро мусобақаларда ўз қобилияти ва салоҳиятини намойиш этиб, миллатимиз гурури ва шаънини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бораётгани қувонарлидир. Ўз навбатида, уларнинг бундай ютуқлари барчамизнинг қалбларимизни фахрифтхорга тўлдирди. Аммо, соҳанинг ривожини баробарида унинг тарғиботи қай даражадалиги ҳақида ўйлаб қўрганмисиз?

### Ифодалаш ҳам галабаларга мос бўлса...



катарликлар ҳам араб, Саудия Арабистонининг футболчилари ҳам араб.

Ёки номлари таъкидланган нашрлар саҳифасидаги яна бир жумлага эътибор беринг: «Мюнхенликлар турнинг марказий учрашуви сифатида Этьероф қилинган баҳсда «Байер»га ҳеч қандай имкон қолдирмадилар». Бу қандай гап?

Маълумки, Германиянинг Мюнхен шаҳрида минглаб, миллионлаб киши яшайди. Уларни «мюнхенликлар», деса бўлади. Юқоридаги гапда «мюнхенликлар» иборасидан, афсуски, нотўғри фойдаланилган. Гап шундаки, футбол учрашувларида бир жамоа таркибидан 11 нафар ўйинчи майдонга тушади. Ҳар қолда Мюнхен аҳолиси эмас. Бундан ташқари, немис жамоаси таркибидан фақат мюнхенликлар тўп сурмаслиги маълум.

Тахлил жараёнида яна бир ҳолат эътиборимизни тортди. Бугун мамлакатимиздаги қўлбал спортга итисослашган оммавий ахборот воситаларида футболчилар ва клубларнинг номлари тўғри ёзилмапти. Масалан, шведиялик машҳур футболчи Златан Ибрагимович, Катарнинг «Ас-Садд» жамоасини «Ал-Садд», «Аш-Шабоб»ни эса «Ал-Шабоб» деб ёзишмоқда. Телевидение дастурида шундай ўқишмоқда.

Маълумки, спорт нашрларида фаолият юритаётган журналистлар ҳам муштарийларга тушунақлиқ содда, раво тилда мақола ва шарҳлар ёзишни истайдилар. Аммо бунга ҳарчанд уришмасин, мақсадга етиши қийин келмоқда. Сабаби ҳанузгача спорт ибораларининг соф ўзбекча ифодаси яратилмаган, соҳага оид луғатлар йўқ. Илмий, амалий қўлланмалар хусусида гапириш эса ортиқча.

Соҳани яхши билган мутахассислар ўз малакаларидан келиб чиқи, мазкур муаммо хусусида бош қотиришса, бу ишларни амалга ошириш учун турли лойиҳалар ишлаб чиқилса, ҳомийлар бош қўшиб, зарур адабиётларнинг яратилишига ҳисса қўшсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,  
ЎзДЖТУ талабаси

### ҲАЙЪАТ ГОЛИБЛАРНИ САРАЛАЙДИ

Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Республикаси Куроли кучларининг йиғирма йиллигини муносиб қутиб олиш учун тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Мазкур сана муносабати билан журналистика соҳасида «Ватан азиз, жасорат мангу» республика танловининг эълон қилиниши ОАВ вакиллари катта илҳом бағишлади. Телевидение кўрсатувларида, радио эшиттиришларида ҳамда босма нашрларда соҳага оид видеолавҳалар, мақола ва очерклар, фотолавҳалар туркумлари эълон қилинди. Уларда Ватанимиз сарҳалларининг дахлизлигини, турмушимиз осойишталигини таъминдаётган ҳарбийларимиз — оддий аскарлар, сержант ва офицерлар, ички ишлар ходимларининг ҳаёти, филокорона фаолияти ўз ифодасини топган. Аввал хабар қилинганидек, 20 декабрь кўни мазкур танловда иштирок этиш учун мурожаатларни қабул қилиш жараёни ниҳояланди.

Танлов материалларини саралаш, муаллифларнинг энг яхши деб топилган ижодий ишларини муносиб тақдирлаш учун ташкилий кўмита аъзолари, малакали экспертлар ҳамда ОАВ вакиллари билан иборат нуфузли ҳайъат кенгаши ишга киришди.

— Танловга босма ОАВ, телевидение, радио, интернет йўналишлари бўйича 100 нафар қалам соҳиблари ўзларининг 1000 дан ортиқ ижодий ишлари билан қатнашмоқда, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмисига ва ташкилий кўмита раиси Шерзод Фуломов. — Энди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқоров бошлик ҳайъат кенгаши аъзолари барча материалларни уларнинг мазмун-моҳияти, мавзуга ёндашишдаги профессио-

наллик маҳорати, ҳолислик каби мезонларда баҳолайдилар.

Танлов шартларида белгиланганидек биринчи ўрин соҳиблари «ноутбук», иккинчи ўрин эгалари компьютер, учинчи ўринга сазовор бўлган журналистлар телевизор билан тақдирланадилар. Бундан ташқари, танлов ҳамкорлари — Мудофаа, Ички ишлар ҳамда Факулдада вазиетлар вазириликларининг рағбатлантирувчи мукофотлари ҳам ўз соҳибларини кутмоқда.

Танлов натижалари 2012 йил — Ватан ҳимоячилари кўни арафасида Ўзбекистон Миллий матбуот марказининг катта залида эълон қилиниб, голиблар тантанали равишда тақдирланади.

Ўз мухбиримиз

Эътибор бериб қаралса, айни пайтда мамлакатимизда «Спорт» телеканали, «Машъал» радиоканали ва қўллаб соҳага оид газеталар, интернет сайти жадвал фаолияти киришганни кўрамиз. Шу ўринда «Спорт» телеканалда хизмат қилаётган мутахассисларнинг ахборотни тезкорлик билан тақдим этишдаги муҳриликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. «Машъал» радиоканали ижодкорлари фаолияти хусусида ҳам мана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Бундан ташқари спортни тарғиб этишни мақсад қилган «Чемпион», «Футбол», «Football+», «Стадион», «FIFA+» каби нашрлар ҳам борки, бир қарашда уларнинг кўпайгани рақобатни вужудга келтиради. Рақобат эса, ўз навбатида, сифат ўзгаришларини ҳосил қилади. Соҳанинг янада ривожланишига кўмак беради. Назарий жиҳатдан шундай. Бироқ ушбу нашрларда эълон этилаётган материалларнинг барчасини сифат жиҳатдан кўнгилдагидек, деб бўлмайдилар. Сабаби уларда бир-бирини тақдорлаш мавжуд. Мирсол тариқасида «Stadion», «Futbol info» ва «Asr Futbol» газеталарининг 6 декабрь сонлари, «Футбол экспресс» ва «Inter Futbol» газеталарининг 9 декабрь сонларини солиштирил, қўлимиздан келганча таҳлил қилиб кўрдик.

Жорий йилнинг 11 декабрида футбол бўйича Испания чемпионатининг навбатдаги тури «Реал» — «Барселона» жамоалари ўзаро беллашганидан кўпчиликлари хабари бўлса ке-

рак. «Эль-Класико» номи билан олган ушбу ўйин олдин турли интернет сайтларида улардан қайси бири оид газеталар, интернет сайти жадвал фаолияти киришганни кўрамиз. Шу ўринда «Спорт» телеканалда хизмат қилаётган мутахассисларнинг ахборотни тезкорлик билан тақдим этишдаги муҳриликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. «Машъал» радиоканали ижодкорлари фаолияти хусусида ҳам мана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Бундан ташқари спортни тарғиб этишни мақсад қилган «Чемпион», «Футбол», «Football+», «Стадион», «FIFA+» каби нашрлар ҳам борки, бир қарашда уларнинг кўпайгани рақобатни вужудга келтиради. Рақобат эса, ўз навбатида, сифат ўзгаришларини ҳосил қилади. Соҳанинг янада ривожланишига кўмак беради. Назарий жиҳатдан шундай. Бироқ ушбу нашрларда эълон этилаётган материалларнинг барчасини сифат жиҳатдан кўнгилдагидек, деб бўлмайдилар. Сабаби уларда бир-бирини тақдорлаш мавжуд. Мирсол тариқасида «Stadion», «Futbol info» ва «Asr Futbol» газеталарининг 6 декабрь сонлари, «Футбол экспресс» ва «Inter Futbol» газеталарининг 9 декабрь сонларини солиштирил, қўлимиздан келганча таҳлил қилиб кўрдик.

Жорий йилнинг 11 декабрида футбол бўйича Испания чемпионатининг навбатдаги тури «Реал» — «Барселона» жамоалари ўзаро беллашганидан кўпчиликлари хабари бўлса ке-

рак. «Эль-Класико» номи билан олган ушбу ўйин олдин турли интернет сайтларида улардан қайси бири оид газеталар, интернет сайти жадвал фаолияти киришганни кўрамиз. Шу ўринда «Спорт» телеканалда хизмат қилаётган мутахассисларнинг ахборотни тезкорлик билан тақдим этишдаги муҳриликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. «Машъал» радиоканали ижодкорлари фаолияти хусусида ҳам мана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Бундан ташқари спортни тарғиб этишни мақсад қилган «Чемпион», «Футбол», «Football+», «Стадион», «FIFA+» каби нашрлар ҳам борки, бир қарашда уларнинг кўпайгани рақобатни вужудга келтиради. Рақобат эса, ўз навбатида, сифат ўзгаришларини ҳосил қилади. Соҳанинг янада ривожланишига кўмак беради. Назарий жиҳатдан шундай. Бироқ ушбу нашрларда эълон этилаётган материалларнинг барчасини сифат жиҳатдан кўнгилдагидек, деб бўлмайдилар. Сабаби уларда бир-бирини тақдорлаш мавжуд. Мирсол тариқасида «Stadion», «Futbol info» ва «Asr Futbol» газеталарининг 6 декабрь сонлари, «Футбол экспресс» ва «Inter Futbol» газеталарининг 9 декабрь сонларини солиштирил, қўлимиздан келганча таҳлил қилиб кўрдик.

Яна «эгизак» хабарларни «Stadion» ва «Futbol info» газеталарида ҳам ўқиш мумкин. Жумладан, «Касильяс фаолияти ҳақидаги китоб» номли янгилек икки нашрда деярли ўзгаришларсиз эълон қилинган.

Шу ўринда савол туғилди: интернет ривожланган бугунги кунда унда эълон қилинаётган янгилек ва халқаро барларни яна газеталарда чоп этиш яхшимикми? Уларнинг ўрнига мамлакат ва

қитъа спорти хусусида тахлил мақолалар тайёрлаш мақсадга мувофиқ эмасми?

Мазкур газеталарни варақлаш жараёнида уларда сўзлардан нотўғри фойдаланиш ҳоллари ҳам кўзга ташландилар. Масалан, «Futbol info» газетасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Сервер Жепаровдан олинган интервьюда футболчининг номидан: «Бу сафар мундиалга борамиз», деб ёзилган.

«Asr Futbol» газетасида эса интернетдан шундоққина олиб таржима қилинган сўзбатда бразилиялик футболчи Жунио Паулисага «Мундиалга бормаслик қандай экан?» дея савол берилган.

Эътибор қилинса, кейинги йилларда спорт журналистикасида «Мундиал» сўзи кўп ишлатилмоқда. Аммо афсуски, кўп ҳолларда нотўғри қўлланилмоқда. Маълумки, «мундиал» сўзи испан тилидан олинган, унинг маъноси эса «жаҳон». Бундан ойдинлашадими, юқорида келтирилган мисолларда мазкур сўз ўз ўрнида ишлатилмаган.

Шунингдек, «Interfutbol» ва «Футбол экспресс» газеталарининг 2011 йил 25 октябрь сонидан материалларда «Араб» сўзи минтақасида унинг ўриндан жой олганлар орасида энг яхши кўрсаткич эгалар, деган жумла бор. Ростини айтганда, бу муҳим ифодани, ҳадеганда, англаб олиш қийин. Чунки биз «Арабларни» деганда бир қатор Осиё давлатларининг аҳолисини назарда тутамиз. Жумладан,

### «Бошқалардай ишлаяпман, холос...»

Сиз ҳақингизда мақола ёзмоқчиман, деган тақдиримга ҳамқасбим, тажрибали журналист Эркин Ёдгоров эътироз билдирди: «Тахририят топширигини бажариш, ўз устимда ишлаш, изланиш, ёздиган мавзу моҳиятини пухта ўрганиш ва уни ўқувчи диққатини тортадиган шаклда топиб, қозоғга тушириш — менинг бурчим. Мен шунга бажараяпман бошқалардай ишлаяпман, холос!»

Бу гапдан сўнг ортиқча мунозарга ўрин қолмади. Очиғи, камтарин, камсукум, меҳнатқаш, ўз фаолиятига ҳамisha танқидий назар билан қарайдиган ва ҳеч қачон ўзига ортиқча баҳо бермайдиган бу инсондан бошқача жавобни кутмаган ҳам эдим. Шунга қарамай, мақсадимдан қайтмадим ва у ҳақда ёзишга аҳд қилдим. Чунки унинг оиласи, яшаш ва фаолият тарзини қарийб қирк йилдан бери жуда яхши биланман, боз устига бир жамоада узок вақтдан бери бирга ишлаб келамиз. Ўз фаолиятини туман газетаси — ҳозирги «Вобкент ҳаёти»да бошлаган Эркин Ёдгоров соҳанинг сир-синоатларини яхши билади. Енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юрмайди.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Шўрбод қишлоғига тўйга бораётиб, Эркин акага: «Юринг, тайёр машина, йўл-йўлакка уйингизга ҳам кириб келасиз», — дедим. Йўлга туш-

дик. Оталари Хусен бобо (охирабларни обод бўлсин) томорқада куймаланиб юрган эканлар. Қуюқ салом-алиқдан сўнг ҳазил оҳангиди:

— Эркинбой келибди, энди газета қандай чиқади? — дедилар хиёл жилмайиб ва менга юзландилар. — Хойнаҳой, сиз олиб келгансиз. Бўлмаса, у ишдан бошқасини ўйламайди, қишлоққа келай ҳам демайди.

Ўглининг келганидан хабар топган оналари — Нурбиби ая ичкари уйдан чиқиб, соғинч билан Эркин акани бағриларига босиб кўришдилар. Чехраларидан нур, шукроналик, бир олам меҳр ёғилиб турган қариялар кўярда-қўймай ичкарига бошлашди, дастурхон ёзиб, борларини тўкишди. Уларнинг одамоҳунликлари, самимиёликлари, дилқашликларига ҳавасим келди...

Эркин ака шаҳарда яшаса-да, оиланинг тўнғичи сифатида ота уйида яшаётган укаси Содикжон, бошқа жон-



жигарлари ҳам унинг гапига қуюқ тутишар, бир-бирининг иззатини жойига қўядиган иноқ оила.

Вилоят халқ таълими бошқармаси муассислигидаги янги — «Бухоро муаллими» газетасига етакчилик қилаётганимизда соҳани яхши биладиган тажрибали журналистга эҳтиёж сезилди. Дўстим сифатида Эркин акани бирга ишлашга таклиф этдим. У эътироз билдирди.

— Икки ҳисса ойлик бераман, келинг, бирга ишлайлик, — дедим масаланинг моддий жиҳати қизиқтириши мумкинлиги ҳақида умиқ боғлаб.

Бирок у «Бухоро ҳақиқати»дан кетмаслигини узиликесил айтди. Эркин ака ўзи хизмат қилаётган тахририятга, қадрдон жамоасига садоқатли, танлаган йўлида со-

### Очерк

битлигига тан бердим ва бу хусусда бошқа оғиз очмадим.

Тўғри сўз ҳаммага ҳам ёқармаслиги аниқ, Эркин ака гарчи баъзан билдирган тўғри фикрига терс, ҳатто дағал жавоб олиши, бундай муносабат нафсониятига оғир ботса-да, таниш-нотанишларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларига беради қаролмайди. Лоқайлик, «менга нима» қабиллида яшаш унга бегона.

Бир кун у кўчадан ўтаётиб, пайвандлаш билан машғул кишини кўриб қолади. Қараса, пайвандлаш аппарати симёғочдаги электр тармоғига тўғридан-тўғри уланган.

— Оғайни, токни ҳисоблагич орқали олсангиз бўлмайди, — дейди унга рўпара бўлган, саломлашиб. — Сиз ўғринча олаётган энергия ҳаққини тўлаш бошқаларнинг гарданига тушишини ўйла-майсизми? Хиёнат-ку бу!

Нотаниш киши айбор бўлгани учун хижолат чекибми, дашном бераётган ҳамқасбимизни бирор назорат идораси ҳодими деб ўйлаганиданми, эътироз билдирмади:

— Узр, ака, ҳозир, — дея лаш-лушларини йиғиштиришга тушади.

Бошқа бир гал куппа-кундузи ҳашаматли уйининг дарвозаси олдидаги қатор чироқларни ёқиб қўйган бозори чакқон тижоратчига энергия беҳисоб эмаслиги, уни тежаш кераклигини айтиб танбех беради.

— Кечаю кундуз ўчирмайди, — дейди кўчанинг нағриги бетидан хангомани кучатиб турган қария атайдан эшитарили қилиб. — Хайрият, бойвачани инсофга чақирадиган одамлар ҳам бор экан.

Эркин Ёдгоровнинг сулоларига назар ташласангиз эл таниган, зиёли, фидойий инсонлар кўпчилиги амин бўласиз. У ҳамisha ўз боболари, тоғаларига ўхшаси келиб улғайди. Иш борасида эса тахририятдаги мухир журналистлар тажрибасига таянди. Тошпўлат Хамид, Саид Ражабов, Аҳмаджон Ниёзмуродов, Аҳмад Раҳматуллаев, Умид Сатторов, Ато Акрамов, Нажим Сафаров, Абдужалил Халилов каби газетачиликни қисмат деб билган устозлардан иш ўрганди.

Ҳавас қиларли даражадаги маҳоратга эга Эркин Ёдгоров айни пайтда «Бухоронома» газетаси тахририятда иқтисодиёт бўлими муҳаррири вазифасида сидқидилдан хизмат қилмоқда.

«Шифокорлар бугун эрталаб менинг қон босимим жойига тушганини, ҳатто газета ўқишим мумкинлигини айтишди.»  
Рональд РЕЙГАН,  
Америка президенти 1987 й.

## Дараклар

### Тўфон ФИЛИППИНГА КАТТА ТАЛАФОТ ЕТКАЗДИ

Бир неча кун давом этган ва шиддатли ёмғир ҳамда сув тошқинларини келтириб чиқарган «Уоши» номли тропик тўфон Филиппиннинг жанубий оролларида катта талафот етказди. Сўнгги маълумотларга қараганда, табиий офат натижасида қурбон бўлганлар сони мингга яқинлашиб қолди, 49 киши дом-дараксиз йўқолган.



Хабарларга қараганда, ярим кечаси ҳаракатга келган кучли суви тошқини шаҳарларга талафот етказиб, бутун бошли қишлоқларни ювиб кетган. Уч мингдан зиёд уйлар

вайронага айланиб, 300 мингдан зиёд аҳоли зарар кўрди. Аҳоли ёрдам кўрсатиш ва уларни хавфсиз жойларга кўчириш ишларида минглаб аскарлар, полиция ходимлари ва қирқоқ қўриқчилари иштирок этмоқда. Ҳар хил юкумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида вафот этганлар оммавий тарзда дафн қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, асосан ороллардан ташкил топган Филиппинда шу йилнинг ўзида «Уоши» тўфони 19 марта юз берди.

### МЎЛЖАЛДАН АДАШГАН ҚУШЛАР

«Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, АҚШнинг Юта штатидаги Сент-Жонс шаҳрида қишлоқ учун жойдан-жойга кўчиб ўтаётган ўрдаксимон сув қушлари оммавий қирғинга учради. Автомобиль тушар жойини сув хавзаси билан янгилаштирган минглаб қушлар кучли зарб билан ерга қулаган.



Биологлар қушларнинг мўлжалдан адашшига булутли об-ҳаво сабаб бўлган, дейишмоқда. Табиати муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассисларининг сўзларига қараганда, илгари бундай қўламдаги қушлар ўлими билан боғлиқ ҳолатга дуч келинмаган.

Худуд ўлик қушлардан тозаланиб, тирикларига тиббий ёрдам кўрсатилган. Бу ишда кўнгилчилар ҳам иштирок этган. Жароҳатланган қушлар қафасларга солиниб, ўзларини тезда тиклаб олишлари учун яқин атрофдаги сув хавзасига қўйиб юборилган. Ҳисоб-китобларга қараганда, 3 мингдан зиёд қушнинг ҳаёти сақлаб қолинди, ўлганларининг сони эса аниқ кўрсатилмапти.

Биологларнинг таъкидлашларича, қушлар ҳозир жиддий жароҳатлангани туфайли учишга қодир бўлма-са-да, уларнинг сувда яшаб кетиш эҳтимоли катта.

### ЖУРНАЛЛАР ТАГИДА ҚОЛГАН «КОЛЛЕКЦИОНЕР»

«The Daily Mail» нашрининг ёзишича, англиялик пенсионер Ричард Филлипс 11 соат давомида 7 мингга журнал уюми остида қолиб кетган. Фалокат Эссекс графлигидаги Голденгер қишлоғида содир бўлган.



Маълум бўлишича, шифтгача териб қўйилган яхталар ҳақидаги журналлар тўплами Ричард Филлипснинг устига ағдарилган. Воқеа жойига етиб келган ўт ўчирувчилар 77 ёшли қарияни журналлар тагидан олиб чиқиши учун 45 дақиқа вақт кетди. Жабрдийдани кутқарган ўт ўчириш хизмати ходимларининг фикрича, Филлипсга ҳеч қандай зиён етмаган, аммо хона поли оғир юкка бардош беролмаган.

Ричард Филлипс 10 йил мобайнида тўплаган яхталарга оид қизиқарли журналларни қутиларга жойлаштириб, сақлаб келган.

### iPad ПЛАНШЕТИДАН ФЙДАЛАНИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

АҚШ фуқаролар авиацияси Федерал идораси «American Airlines» авиакомпанияси учувчиларига парвоз вақтида электрон карта ва маълумотларни ўзида жамлаган iPad планшетидан фойдаланишга рухсат берди. Қурилма аввало «Boeing-777»да, кейинчалик эса «American Airlines» флотидаги бошқа самолёт русумларида ишга туширилди.



Этироф этилишича, iPad учувчиларга парвоз учун керакли бўлган 15 килограмм оғирликдаги қоғоз ҳужжатларнинг ўрнини босади. Шунга қарамай, анъанавий карта ва ўқув қўлланмалари бундан кейин ҳам самолёт бортига олиб чиқилади, йўқми, бунга ҳозирча ойдinлик киритилмапти.

Маълум бўлишича, iPadни учувчи кабинасида қўллашга рухсат берилганга қадар «American Airlines» планшетни ярим йил давомида синовдан ўтказиб, унинг ўта қудайлигига амин бўлган. Шу сабаб Американинг «United Airlines», UPS ва «Alaska Airlines» каби бошқа авиакомпаниялари ҳам «American Airlines» изидан боришни режалаштирмоқда.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Ал Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоий, Нодира, Увайсий... Бу улуғ номлар қаторига яна икки бор Самарқанд номини ҳам тиркаб қўйиш мумкин. Мазкур кетма-кетликдан мантинг ахтаришга шошлманг. Агар ниятингиз сарҳадлари заминга туташ бўлса, сувениз кудуққа челақ ташлаган бўлиб чиқасиз. Чунки юқорида зикр этилган номларнинг чексиз фазо бирлаштиради, холос.


Ҳа, бугун Қўш тизимидаги 37 та сайёра ва кометаларнинг 7300 дан зиёд тузилмаларига турлича номлар берилган. Уларнинг бир нечаси буюк аждодларимизнинг номлари билан юртилди. Ўтган йили юртимиз олимлари томонидан кашф этилган янги кичик сайёра эса Самарқанд дея атагани барчага яхши маълум. Ундан олдинроқ бу табаррук ном Сатурн сайёрасининг йўлдоши бўлмиш «Эвниал» деген музликлардан бирига берилган. Буларнинг бари шу юрт фарзандларининг жаҳон илм-фани хазинасига уққан улуғ қўшгани, тафаккурлари ила самога нарвон алай олағиларининг эътирофи. Бу фақат ва фақат эзгу мақсадларда амалга оширилган илмий излавишлар ҳосиласидир.

### Тушовининг нархи қанча?

Инсон ер фарзанди бўлса-да, унинг нигоҳлари доимо самога қадалган. Одамлар азал-азалдан Қўшдаги ўзгаришлар, Ойнинг тўлиши, сайёраларнинг бир-бирига яқинлашиши, думли юлдузлар — кометаларнинг пайдо бўлиши заминдаги воқеа-ҳодисалар билан узвий алоқадор эканини ҳис этиб яшайди. Самовий қушлар ҳақидаги тасаввурлар турли даврларда турлича миф ва афсоналарнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Гарчи ҳозир замон шиддати бир неча баробар тезлашиб, инсон заковати аввалгиларидан бирмунча чархланган бўлса ҳамки, ҳануз лажувард осмон, ундаги сон-саноксиз сайёралар, кометалар ва бошқа осмон жисмлари олимларнинг эс-хушини ўғирлаб келмоқда. Фақат бугун замон шиддатига мос равишда татқиқ этиш воситалари анча мураккаблашган.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари ўрталарида дунё олимлари бор эътиборларини самони забт этишга қаратди, десак хато бўлмайди. Узоқ бормайлик, қўшни мамлакат худудига «жойлаштирилган» Бойкўнғир космодромининг

# ОСМОНДА ОСИЛГАН ОФАТ



### Ўзиёқ шу мақсадлар сари қўйилган «мустаҳкам» қадамлардан биридир. 1955 йилда дунёдаги биринчи ва энг катта бўлган мазкур космодромни барпо этиш учун пойдевор қўйилди ва у тез суръатларда қуриб битказилди. 1961 йил 12 апрель куни соат тўққиздан етти дақиқа ўтганда машҳур фазогир Юрий Гагарин Бойкўнғир космодромидан коинот бағрига кўтарилиди. Айни пайтда Россия Федерацияси космодромни 2050 йилгача ижарага олган. Бунинг учун йилга 115 миллион доллар микдорига ҳақ тўланади.

Эндиликда бу ердан йилга ўнлаб ракеталар, сунъий йўлдошлар учурилади. Биргина 2010 йилнинг ўзида Бойкўнғирдан Американинг барча космодромларидан учурилган ракеталардан ҳам кўпроқ, яъни 31 марта парвоз амалга оширилди. Гап қимнинг нима мақсадда ракета учуришида эмас, балки бу сайё-ҳаракатлар қайсидир маънода келажакни ўйлаб қилинаётганида. Негаки, бугун сайёрамизда тараққийёт деган «машина» сарфлаётган табиий ресурслар яна бир неча ўн йилдан сўнг барҳам топиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Самода, хусусан, Қўш тизимида Ер билан бир сафда бақамти харакатланаётган етти сайёра эса Менделеев жадвалидаги моддаларга жуда ҳам бой. Лекин кишини бир савол ўйлантиради: бу жараёнларнинг шу кунларда атроф-муҳитга таъсири қай даражада кечмоқда? Халқимизда «Эшагидан тушови қимматга тушди», деган ибора бор. Дунё олимлари эртани ўйлаб бугунимизни қурбон қилишмаяптими?!

### «Ҳосилдор ер»нинг захарли «мева»лари

1960 йилнинг 24 октябрь куни Бойкўнғир космодром тарихидаги энг қора кунлардан бири ҳисобланади. Ушунда самога учурилиши кутилаётган Р-16 қитъалараро ракетанинг техник носозлик туфайли портлаб кетиши оқибатида 150 га яқин киши ҳалок бўлди, худуд экологияси жиддий шикаст етди. Афсуски, бундай қўриқчилар ҳозир ҳам тез-тез содир бўлиб туради ва бу ҳаммаси эмас. Масалан, биргина ракета учурилиши жараёнини олайлик. Бу пайтда минглаб тонна чанг тўзғиб, ҳавони қоплайди. Ер қаттиқ силкинади. Шунингдек, озон қатлами умумий ҳажмининг 0,0002-0,003 фоизи емирилади. Азот оксиди, ис газы ва бошқа бир қатор захарли газлар атмосферага ҳавосини ифлослантиради. Яқин худудда яшовчи аҳолида қор босими ортиши, бош оғриши ҳолатлари кўпаяди. Кўпинча ёз кунлари ҳам дафватан об-ҳаво ўзгариб қолса, ёки ёши ўтинқираб қолган одамлар бошига оғриқ кирса, тўсатдан ўзини лоҳас сеза бошласа: «Яна ракета учурилгандир-да!» деб қўйишлари шундан.

Энг ёмони эса, АҚШ ва Европадан самога кўтарилаётган космик кемаларнинг қолдиқлари денгиз ёки океанга тушиши мумкин. «Бойкўнғир»ники эса ерга, айнан Олтой ўлкаси ва жанубий Сибирь худудига қўлайди. Бундан бир неча муддат аввал Буюк Британияда нашр этиладиган «Nature» («Табиат») журналида Бойкўнғир космодромига бағишланган мақола

эълон қилинган. Унда Россиянинг «Вектор» вирусология ва биотехнология маркази олимлари 1998-2000 йилларда космик чикиндилар билан ифлосланган Олтой ўлкасининг икки, Жанубий Сибирнинг битта худудидagi мингдан зиёд болаларнинг тиббий карталарини ўрганганларида бу ерда яшаётган ёшлар бошқа жойларда истиқомат қилаётган тенгдошларига нисбатан касалликларга уч баробар кўпроқ чалинган қайд этилган. Бунинг сабаби эса ўша пайтда ракеталарга ишлатилган «гидразин» ёнилғиси деб кўрсатилди. Унинг ўн икки литри бир неча километр худудни захарлайди. Еки бу ёнилғи билан ифлосланган ўртача катталиқдаги ҳовузнинг бир қошиқ суви ҳам кишини ўлдириш қувватига эга.

Шуниси ачинарлики, инсоният манфаатлари йўлида изланишлар олиб бораётган олимлар нимагадир бундай маълумотларни расман тан олишмайди. Улар бу ҳолатларни ўтган асрнинг 70-йилларида мазкур худудларда ўтказилган ядровий синовлар билан боғлашди ва бу жойларда истиқомат қилаётган аҳолига сунъий яратилган экологик фожиалар учун тоvon пули тўлашдан бош тортишди. Тараққийётнинг думидан тугиб, унинг оқибати, зарари, қўлами ҳақида бош қотириш гўё уларнинг муаммоси эмасдай.

Дарвоқе, «Бойкўнғир» сўзи қозоқчадан таржима қилинганда «ҳосилдор ер» маъносини аниқлаштиришга нима дейсиз? Таасуфки, бугун мазкур космодромга яқин 165 минг километр радиусдаги худудда яшаётган аҳоли ана шу сингари экологик муаммолардан азият чекмоқда.

### «Металл ёмғир»лари — кашфиёт «натижа»сими?

Фазога чиқарилаётган космик станциялар «металл ёмғир»лари кўринишида яна ерга қайтиб тушаётгани бугун бутун дунё аҳлини боши берк кўчага солиб қўйди, десак янглишмаймиз. Коинотга чиқарилган космик жисмларнинг ерга қўлаши илк бор 1979 йилда кузатилган. Ушунда АҚШнинг «Скайлаб» космик кемаси қолдиқлари Ҳинд океанига ва Австралиядagi фермерлардан бирининг ерига туш-

ган. Эътибор берган бўлсангиз, ке-йинги пайтларда ҳам оммавий ахборот воситаларида космик чикиндиларнинг ерга қўлаши ҳақидаги гап-сўзлар анча кўпайиб қолди. Масалан, шу йилнинг ўзида жаҳон ҳамжамияти камидан икки-уч бор бу масалага эътибор қаратди. Сент-йбрь ойи сўнгидида АҚШ миллий аэрокосмик агентлиги (НАСА)га тегишли озон қатлами, қўш энергияси ва ҳарорат бўйича маълумотлар йиғиш билан шуғулланган УАРС тадқиқот сунъий йўлдошининг бўлақлари Тинч океани худудига келиб тушди. Ушунда катталиги автобусча келадиган, оғирлиги 500 килограмм космик чикиндилар тахминан Москва, Шимолий Европа ва Канада худудларига тушиши айтилган.

Яқинда 1990 йили Канаверал бурунидан коинотга чиқарилган ва 1999 йилгача фазода тадқиқот ишларини бажарган немис сунъий йўлдоши — РОСАТнинг бошига ҳам шу кун тушди. Шу йил ноябрь ойида унинг 30 га яқин бўлақлари шарқий Шри-Ланка сарҳадларига яқин жойга — Ҳинд океанига ёғилди.

Лекин юқорида номлари қайд этилган худудларда истиқомат қилаётган аҳоли «металл ёмғир»лари қандай хавотирга тушганини, юрак ҳовуллаб тонг оттирганлини барча бирдек тасаввур қилолмас керак. Хайрият-ки, ҳаммаси яхшилик билан туғади. Ҳар ҳолда уларнинг аҳоли яшайдиган худудга ёғилгани ҳақидаги маълумотлар йўқ. Аммо мулоҳаза қилган сайин кўнгида озгина иштибоҳ ҳам туғилмай қолмайди. Айрим худудларда онкологик ва аллергик касалликларнинг тўсатдан кўпайиши-ю аксарият ўрмон ёнгинларининг бош сабабчиси ҳам айнан захарли космик чикиндиларнинг ерга қўлаши эмасмикин? Бундан ташқари, «металл ёмғир»ларининг океанларда яшовчи жонзотларнинг ҳаётига салбий таъсири ҳали ҳеч бир тадқиқотнинг объекти бўлган эмас. Агар заминдаги барча нарса узвий боғлиқлиги рост бўлса, бугун дунёда кеча-ётган экологик бўҳронлар, сув тошқинлари, тўфонлар, ўрмон ёнгинларининг сабаблари ҳам бир қадар ойдинлашади, назаримизда...

Иномжон АБДИЕВ

Эскертиш: Яқинда Бойкўнғир космодромидан фазога кўтарилган ва Марс сайёраси йўлдоши саналмиш «Фобос»нинг тупроқ қатламидан намуна олиб келиши керак бўлган «Фобос-Грунт» планеталараро станцияси билан ҳам алоқа узилгани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Ҳозир ердан тахминан 200 километрге яқин масофада айланиб юрган ушбу объектни бинокл орқали ҳам кўриш мумкин. Мутахассислар 2012 йилнинг 6-19 январь кунлари оралиғида ҳар бири 200 килограмм оғирликдаги космик чикиндилар ер юзининг хоҳлаган нуқтасига, ҳатто миллионлаб одамлар яшайдиган шаҳарлар марказига тушиши мумкинлигини айтишмоқда. Бундан ҳам аниқроқ тахмин йўқ эмас: Ҳималай тоғи ёки Қорақум сарҳоси... Аммо бир савол ҳамон очиқ қолмоқда: бундай талафотлар учун масъулиятни қим ўз зиммасига олади?

## Хурматли юртдошлар!

# «Асака» банки (ОАЖ)

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ)  
филиаллари телефонлари:  
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтинарк филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгишни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Ҳисоблар лицензияланган

## БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

(Болалиқнинг 1-бети)

Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан иқтидорли ўғил-қизлар кўлаб-қувватланаётгани уларга қанот бағишламоқда. Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, форум етакчилигида 2004 йилдан буён мамлакатимиз ҳудудларида ўтказиб келинадиган «Янги авлод» болалар ижодиёт фестивалининг ўрни бекиёсдир. Унда танлов асосида мумтоз ва миллий чолғучилик, кўшиқ, рақс, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт йўналишларида иқтидор эгалари бўлган 6-14 ёшли болажонлар саралана олинади. Ўтган саккиз йил мобайнида мазкур фестивалда жами 98 мингга яқин ихлосмандлар иштирок этди. Уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўзида «Янги авлод» фестивалининг туман, шаҳар ва вилоят босқичида қатнашиш истаги билан жойлардаги мутасаддилар номига 26 мингдан зиёд болалар мурожаат этишган. Аъёнага кўра, саралаш жараёнида энг яхши натижаларни кўлга киритган иштирокчилар республика босқичига йўланма олишди. Бу йил вилоятлардан 735, Тошкент шаҳридан эса 70 нафар яқка ва 28 та ансамбль, ҳаммаси бўлиб эса мингдан зиёд ёш авлод вакиллари «Янги авлод» фестивалининг якуний босқичида қатнашиш имкониятини кўлга киритди.

Кеча пойтахтимизнинг «Истиклол» санъат саройида мазкур нуфузли фестивалининг бу йилги голибларини тақдирлаш



О.МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар

маросими бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги қўмағида ташкил этилган тадбирда таълим-тарбия, маданият ва санъат намоёндалари, фестивалнинг финал босқичи иштирокчилари, уларнинг ўқитувчилари, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Фестивалнинг якуний босқичи кўтаринки руҳдаги байрам ва шодиёналарга бой бўлди. Шўхшодон кўшиқлар, бадий кўргазмалар, учрашувлар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига сажатлар ижодий лойиҳага янада ёрқинлик бағишлади. Рассомлар ва хунармандлар, дизайнерлар, санъат арбоблари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари болаларнинг ўзи қизиққан йўналиш бўйича билимларини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Совриндорлардан бири Жасмина Абдуназарова 5-синф ўқувчиси. У «Янги

авлод» танловида илк бор иштирок этиб, голиб деб топилганида эндигина 3-синфга ўтганди. Ўша йили у Санкт-Петербургдаги «Окно в Европу» танловида ҳам қатнашиб, биринчи ўринни кўлга киритди. 2010 йили Польшада бўлиб ўтган халқаро танловда Федерик Шопен номидаги дипломга сазовор бўлди.

— Фортепьянода мусиқа чалиш — жони дилим. Шунинг учун мактабдаги сабоқлардан сўнг қўшимча дарсга қатнашман. Баъзида акам иккимиз соатлаб машқ қилганимизда вақт қандай ўтганини билмай қоламиз. Бу йилги «Янги авлод» фестивалининг якуний босқичи жуда мароки ўтди. Кўлаб иқтидорли тенгдошларим билан дўстлашдим, — дейди Жасмина.

Жамшид Саидқаримов пойтахтимиздаги Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 9-синфида виолончель гуруҳида ўқийди. 7 ёшидан бери мусиқа сирларини ўрганиб келади. Россия, Украина, Франция, Австрия, Корея, Италия, Қозо-

ғистон ва Қирғизистон давлатларида ўтказилган халқаро танловлар голиби. Айтиш мумкинки, Жамшиднинг бундай муваффақиятларида фестивалда орттирган тажрибаси кўл келмоқди. Умуман олганда, ўтган йиллар мобайнида «Янги авлод» фестивалида тобланиб, эндиликда кўзга кўриниб қолган ёш санъаткорларнинг сафи кенгайиб борапти. Улар ўзларининг юксак истеъдодини бутун жаҳонга намойиш этишмоқда.

— Қувонарлиси, болалар ижодида, қайси йўналиш бўлишидан қатъи назар, йилдан-йилга ўсиш кузатишмоқда, — дейди Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова. — Масалан, ўтган йили фестивалнинг якуний босқичида Навоий шаҳридан ташриф буюрган рақс гуруҳи бизни ҳайратга солганди, бу йил эса андидонлик болакайларнинг ўта фаоллиги ҳайрат аъзоларида катта таассурот қолдирди. Бундай танловлар болажонларга соғлом рақобат муҳитини яратиш билан бирга, уларни курашувчанликка, ўз устида кўпроқ ишлашга ундайди, ўзига бўлган ишончнинг орттиради. Ишонч туйғусини инсон, айниқса, болалиқдан онгига синдира олма, бу қудратли куч уни бир умр мўъжизалар сари етаклайди.

Тадбир сўнггида фестиваль голибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Совриндорлар, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Отабек ОТАЁРОВ,  
«Hurriyat» муҳбири



Очиқ Акциядорлик Тижорат Турон Банк жамоаси

жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини  
янги 2012 йил билан табриклайди.

Мустақкам оила йили  
ҳар бир оилага бахт-саодат олиб келсин!

ОАТ Туронбанк Сизларга 2 ой муддатга  
бепул «SMS Banking» хизматига уланиш ва  
фойдаланишни таклиф этади.  
Акция 2012 йил 31 январгача амал қилади.


Қўшимча маълумотлар ва «SMS Banking» хизматини  
ёқтириш учун ўз операторингизга мурожаат қилинг.  
Тел: +(998 97) 700-55-55

Туронбанк Сизнинг ҳамкорингиз!



Молия муассасаларида

## Малакали хизмат — юксак ишонч гарови



Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоаси ўз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга жиддий ҳаракат қилаётган ҳамда йил сайин яхши натижаларга эришиб бораётган молиявий муассасалардан саналади. Ҳозирда банк акцияларининг XIV эмиссияси муомалага чиқарилиб, акциядорлар ва инвесторлар орасида жойлаштирилиши якунланди. Умумий капитали эса 30 миллиард сўмдан ошиб кетди.



Хозирда республикада худудда «Савдогарбанк» ўзининг 26 та филиали, 25 та минибанки, 25 та махсус кассаси, 27 та жамғарма кассаси ва 40 та халқаро пул ўтказиш шабоҳчалари орқали миқозларга намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 126 мингдан ортиқ миқозга турли хил банк хизматлари кўрсатилди. Ушбу миқозларнинг асосий қисми кичик бизнес субъектларидир.

Молиявий муассасада иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий кўлаб-қувватлаш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда хизмат кўлами кенгайтирилмоқда.

Буни куйидаги рақамлар миллионда ҳам кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2011 йил 10 ойи давомида 60 миллиард 900 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шундан, тармоқлар бўйича санаотга 10 миллиард 400 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 11 миллиард 900 миллион сўм, савдога 19 миллиард 900 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 4 миллиард 800 миллион сўм, хизмат кўрсатишга 2 миллиард 900 миллион сўм ва бошқа тармоқларга 11 миллиард сўм кредит берилди. Шунинг ҳисобига 2021 та янги иш ўрни яратилди ва бир неча корхона молиявий аҳолини мустақамлаб, янги махсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, 2011 йил 10 ойи давомида Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги қўшим-

ча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармониغا биноан аёл тадбиркорларни кўлаб-қувватлаш учун 8 миллиард 300 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди, шундан ишлаб чиқаришга 2 миллиард 600 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 2 миллиард 500 миллион сўм, савдосотиқ учун 1 миллиард 800 миллион сўм, хизмат кўрсатишга 213 миллион сўм ва бошқа соҳаларга 1 миллиард 200 миллион сўм жалб этилди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўлаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармониغا мувофиқ ёш оилаларга 2011 йил 10 ойи давомида 3 миллиард 5 миллион сўм кредитлар ажратилган, шундан 1 миллиард 800 миллион сўми ипотека, 145 миллиард сўми истеъмоал ва 1 миллиард 600 миллион сўми микрокредитларни ташкил этган. Ҳозир банк кредитлари ҳисобига уйли-жойли бўлган ёш турли рўзгор буюмлари харид қилган ва микрокредитлар олиб хусусий тадбиркорлигини ривожлантирган оилалар кўпчилигини ташкил қилмоқда.

Бундан ташқари, «Савдогарбанк» томонидан Юртбошимизнинг қарорларида мувофиқ рақобатбардор, сифатли но-озик-овқат ва озиқ-овқат истеъмоал товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмоал бозорини улар билан янада бойитиш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 2011 йил 10 ойи давомида 25 миллиард 600 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди, шундан, технология усуналар сотиб олиш учун 3 миллиард 7 миллион сўм ва хом ашё матери-



аллари сотиб олиш учун 21 миллиард 100 миллион сўм сарфланди.

Шунингдек, банк томонидан 2011 йил 10 ойи давомида уй-жой сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитлари миқдори 2 миллиард 100 миллион сўми ташкил этди.

2011 йил 10 ойи давомида банк ўз маблағлари ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун 32 миллиард 800 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратди. Булар тармоқ йўналишлари бўйича куйидагича тақсимланган: санаотга — 8 миллиард 3 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига — 9 миллиард 6 миллион сўм, транспорт ва коммуникацияга — 1 миллион 200 минг сўм, қурилишга — 1 миллиард 900 миллион сўм ва бошқа сек-

торларга — 11 миллиард 900 миллион сўм.

Бундан ташқари, 2011 йил давомида фермер хўжалиқларига пахта ҳосилини етиштириш учун 22 миллиард сўм ва галла ҳосилини етиштириш учун 8 миллиард 300 миллион сўм жами 30 миллиард 300 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди.

Мисол тариқасида, озиқ-овқат истеъмоал махсулотлари ишлаб чиқарувчиларни кўлаб-қувватлаш мақсадида Навоий вилоят филиали томонидан аҳолини турли хил қишлоқ хўжалиги махсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун Қизилтепа туманидаги «Гойибон Саховати» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган кредит мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу кор-

хона банкдан 3 йил муддатга иссиқхона қурилиши учун 250 миллион сўм миқдорда кредит олди.

Шунинг эвазига корхона томонидан 6 та янги иш ўрни яратилди ҳамда йилига 80 тонна миқдорда қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Савдогарбанк» ноозик-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарни ҳам молиявий кўлаб-қувватламоқда. Масалан, Навоий вилоят филиали томонидан Навбахор туманида фаолият юритаётган «Навбахор қурилиш махсулот» хусусий корхонасига 3 йил муддатга пишққ гишт ишлаб чиқариш ускунаси ва хомашёлар сотиб олиш учун ажратилган 120 миллион сўмлик кредит ҳисобига корхона томонидан пишққ гишт ишлаб чиқариш қуввати йилига 2 миллион донага етказилди ҳамда 6 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, республикада мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти Қибрай филиали томонидан «Қибрай агроимпекс» фермер хўжалигига 20 гектар майдонда интенсив олмазор ташкил этиш учун 4 йил муддатга 386 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилган. Бу кредит ҳисобига 12 та янги иш ўрни яратилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланганини қисқартириш борасида изчиллик билан иш олиб боришмоқда. Ушбу йўналишдаги тадбирларни фаоллаштириш, жисмоний шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, республикада молия бозорида пластик карточкаларга асосланган замонавий тўлов усуллари кенг жорий этиш диққат марказида турибди. Бугунги кунда муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сонини 143 мингдан, терминлар

сони эса 2300 тадан ошиб кетди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш айти кундаги муҳим масалалардан биридир. Бу борада банк филиалларининг молиявий ёрдами катта бўлаяпти. Натияжада ички ахборот оқимини самарали ташкил этиш ва оқилонга бошқариш билан шуғулланувчи йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосланган, «Интернет-банкнинг» ва «Банк-миқоз» каби интерактив хизматлар тизимидан фойдаланиш даражаси бир неча марта ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Савдогарбанк» аҳолига миллий валюта шаклида бир неча омонат турларини таклиф қилди. Жумладан, болалар 18 ёшга етгунга қадар «Бахтли болалик» жамғарма омонати, «Истикбол», «Кафолат», «Орзу», «Наврўз Айёми» ва турли муддатларга белгиланган омонатлари ана шулар жумласидандир.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, амалга оширилаётган ишлар сифати ва салмоғи тобора юксалиб бормоқда. Аммо бу натижаларга осонликча эришилмаётгани таъкидлаш ўринли. Бундан жамоанинг ҳамжиҳатлиги ва фидокорона меҳнати муҳим роль ўйнамоқда. «Савдогарбанк» ОАТБ жамоаси тадбиркор ва фермерларга намунали хизмат кўрсатишга, уларнинг ишончли мададкори бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Абдугани СОДИҚОВ (R)

# МАЪНАВИЯТ

## Мустаҳкам оила — маънавият қўрғони

### Буюк аждодларимиз

Бундан салкам 5 йил муқаддам, аниқроғи, 2007 йил 19 апрель куни Африка қитъасининг шимолий шарқидо жойлашган — Қозирала бутун жаҳон аҳли учун унутилмас воқеа юз берди. Буюк аждодимиз Аҳмад ал-Фарғоний шарафига ҳайкал ўрнатилди.



### Қаҳқашонга кўз тиккан даҳо

Аҳмад ал-Фарғоний тахминан 797 йили Кувада таваллуд топган. Ватандошимиз Фарба Афлаганус номи билан жуда машҳур. Умуман, уни фарб дунёси мунажжимлар отаси мақомида қадрлашади. Авваламбор, буюк олимнинг юнон астрономлари, чунончи, Птоломейнинг "Юлдузлар жадвали асари"даги маълумотларни кўриб чиқиш, қиссий ўрганиш тадқиқотларида фаол қатнашгани эътиборга молик. Фарғоний мажҳур асарга мутлақо янгиликлар маҳсус жадвал киритади. Унда маълум жугрофий манзилларнинг етти иклим асосидаги шарқдан фарба қараб жойлашув нуқталари муфассал белгиланган тарзда акс этади. Бундан ташқари, аллома Бағдодаги расадхонада самовий жисмларни кузатишлари натижаси ўлароқ кўёш юзюзидаги доғлар мавжудлигини аниқлайди ва бу ҳақдаги фикрлари аниқ далиллар билан исботлашга муяссар бўлади. Чунончи, йилнинг энг узун куни 22 июнга, энг қисқаси эса 23 декабрга тўғри келишини, 832 йилда эса ўша пайда ҳисоблаб чиқариш амримахол саналган "Кўёш тутилиши" ҳодисасини олдиндан ой, санаси, вақти билан башорат қилади. Айрим осмон ёриткичлари турли вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу ҳол ҳар жойда турли кўринишда намоён бўлиши, масофалар ўзгариши билан уларнинг кўриниши ҳам ўзгариб бориши хусусидаги илғор фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Айниқса, унинг бебаҳо астрономик асари "Китоб ал-ҳаракот ас-самовий ва жаъмиъ илм ан-нуҷум" (Самовий ҳаракатлар умумий илми нуҷум) китоби ўз жозибаси билан ушбу фани жаҳонда энг қизиқарли, сирли, инсонга илҳом ва ҳайрат бағишлайдиган фанга айланган. Ушбу асар XII асрда икки бор лотин ҳамда иврит тилига ўрилган. Кастиль ва эски француз тилларида таржима қилинган. 1669 йилда голланд арабшуноси ва математиги Якоб Голиус асарни арабча матни ва янгидан амалга оширган лотинча таржимаси билан бирга нашр этганидан сўнг дунёда Фарғоний шухрати янада ортди. Фаҳр-ифтихор ила шуни қайд этиш лозимки, алломанинг асари "Астрономия асослари ҳақидаги китоб" Европада 700 йил мобайнида муттасил ўқитилган астрономияга оид муҳим ўқув қўлланма сифатида тарих зарварларидан жой олди. Ахир ер юзюзида етти юз йил фойдаланилган ва бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган илмий асарлар камдан-кам топилади. Қаҳқашон билан сирлашган ал-Фарғоний ўз ватанида айрича меҳр ва эъзоз кўрди. Истиқлол туфайли ўзлигига эга бўлган қойноқ билан юзлашиш бахтига муяссар бўлган халқимиз алломанинг 1200 йиллик тўйини шундай бир миқёсда ўтказдики, унинг таърифи оламга таралди. Хусусан, 1998 йил 24 октябрь куни Кувадаги тантаналар ал-Фарғоний ҳайкалини очилиш маросимига улашиб кетгани қалбларимизни чекиз севиңчларга тўлдирди. Ана шу маросимда Юртбошимиз нутқ сўзлаб, унинг шаънини шундай улуғлаганди: "Қадим Кубо тупроғида бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг қаршига қад кўтариб турган бу улугвор ҳайкали ватандошларимизнинг улуг бобокалонимизга ҳурмат-эҳтиромни ҳамда эзгу мақсадларимиз раъси бўлиши табиийдир."

Дарҳақиқат, биз осмонга, қойноғга, юлдузларга нигоҳ қаданган юрт фарзандларимиз. Орзу-ниятларимиз ҳам осмон қадар кенг, қойноғдек буюк, юлдузлардек шуълавор. Шубҳа йўқки, буюк пок ва хайрли муволаҳимизда ал-Фарғоний сиймоси бизга ҳам ибрат, ҳам ғайрат-шижоат манбаи бўлиб қолаверади.

**Маъсума АБДУЛЛА қизи,**  
Сирғали Тибийет коллежи ўқитувчиси

(Бошланғич 1-бета)

Зеро, келажаги буюк давлатни барпо этиш учун энг аввало оила тинчлиги, мустаҳкамлиги ва унда тарбия топган етук маънавиятли, баркамол ўғил-қизлар керак. Уларни эса маърифатли, юксак маънавиятли, зукко оналаргина дунёга келтиради ва тарбиялайди.

Фарзанд илк бор меҳр ва садоқат, эзгулик ва яхшилик, мардлик ва олижаноблик, ғурур ва ифтихор, чин инсонийлик ва одамийлик сабабини Онадан, она алласидан, у айтиб берган эртагу ҳикमतлардан олади. Ғўдак бу ёруғ оламни илк бор онасининг меҳр тўла нолаасию мафтункор оҳанглар оғушида эшитиб, кўра бошлайди. Унинг жажжи қалбида меҳр аталмиш куртак ниш уради. Бу меҳр улғайиб, ота-онага, ака-сингилга, бобо ва момага, заминга, ундаги одамларга нисбатан чексиз эҳтиром сифатида шаклланиб боради. Она меҳри, она алласи чақалоққа ўзлугидан сабоқ беради, Ватанини таърифлади, Ватанини англайди. Бежиз "Ватан" сўзига "Она" сўзи қўшилмаган.

Халқимиз азал-азалдан оиланинг мустаҳкамлиги, оила аъзолари, хусусан, аёлларнинг маърифатли-маданиятли бўлишига алоҳида эътибор қаратиб келган. Миллатимиз тарихида адабиёт аёллар, оқила момолар кўп бўлганлиги шундан далолатдир. Ўрта асрнинг кўзга кўринган истеъдодли шоирларидан бири Абдибек Шероций ота-онага, айниқса, аёл кўлиги илмининг зарурати тўғрисида шундай ёзган эди. "Илм — аёл учун зийнат, Ақлини нодонликдан халос этган ҳар бир аёл ному, иззат ҳамда аёллик қадрини тушуниб етади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илм-сиз аёл эса бола тарбиясида турли хатоларга йўл қўяди".

Ўзбек оиласидаги фарзандларнинг баркамол қилиб тарбиялаш, улар онгиде соғлом ғоя ва мустаҳкам билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг қатталари — боболари, момолари, ақин қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, бола тарбиясида ота-она каторида буви ва боболарнинг таъсири кучли бўлади. Улар оиладаги муҳитнинг бошқарувчилари ҳисобланади.

Мустабид тузум даврида миллатни, унинг ўзлигини қандай куч асраб қолди? Қандай кўрғон миллий маънави-

ятимизни йўқ қилиб ташлашга бўлган уринишларга қалқон бўлди? Ўша даврда давлат ва жамият, оила ўртасида рухий-маънавий бирлик бормиди? Аксинча, ўртада катта оралиқ мавжуд эди. Ҳеч шубҳасиз, ўзлугимизни йўқ қилишга қаратилган барча ҳаракат ва таъвоулардан бизни оиладаги маънавий муҳит, аждодлардан қолган эзгу амаллар, асрий анъаналар асраб қолди. Таъбир жоиз бўлса, мустабид тузум даврида биз маънавият билан оилада эмланган эдик. Бу эмлаш шунчалик кучли эдики, у ҳукмрон мафқуранинг қалбини фалаж қилувчи таъсирларини энгиб ўтди.

ялар уйлари бундан деярли 200-300 йиллар муқаддам ташкил этилган. Бу маълумотни эшитган одам ҳаёлини дарҳол "Нега бундай инсоний муносабат бизда аввалроқ бошланмаган?" — деган савол банд этиши табиий.

Бундай саволларга жавоб қидириб бошни қотиришга ҳожат йўқ. Нега деганда, бизда, ўзбек халқида, бу заминда вояга етган ҳар бир шахсининг қалбида меҳр-оқибат, қадр-қиммат, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ота-она, фарзанд олдидаги бурч, саховат, мурувват, сабоқ деган улуг ҳиссийатлар бор. "Бир болага етти кўшни ота-она", "Етимнинг ота-она-

лар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги қатъий белгилаб қўйилган. Бу ҳам бизнинг мамлакатимизда инсон азизлиги, унинг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояси муқаддаслигидан далолатдир.

Бизнинг муқаддас диёри-мизда ҳар бир ота-она ўз фарзандига, ҳар бир фарзанд ота-онасига юксак ҳурмат билан қарайди. Бунга ўзини бурчли деб билади. Ҳатто фарзанд ўз отаси ўтирган уйнинг томига чиқишга истиҳола қилади.

Бизда юқоридаги каби муассасалар ташкил этилмаганлигининг асосий сабаби ҳам, улуг эҳтиёж бўлмаганлиги

этибор бериб келинмоқда. Энг муҳими, истиқлол боис давлат ва жамият, оилалар ана шундай эзгу мақсад ва орзу билан яшяпти. Бу борада биргина Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси, "Оила", "Оналар ва болалар", "Баркамол авлод", "Ешлар", "Ижтимоий ҳимоя" йилларида амалга оширилган оламшумул ишларни эслаш қийин. Қолаверса, муҳтарам Юртбошимиз томонидан кириб келаётган янги — 2012 йилга "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилгани маънавий йўналишдаги фаолиятимизга янада катта маъсулият юклайди.

Конституцияимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг "Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъномоҳият муҳасам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришимиз ҳеч қандай ҳолати йўқ" дея эътироф этишларида улуг мақсад ва улкан маъно бор.

Шу ўринда ҳурматли устозларимиздан бирининг куйидаги фикрларини хулоса ўрнида келтиришни лозим топдик: "Дехқон умид билан бора яради, ҳар бир ниҳилини жон қадар асрайди, унга парвона бўлади, меҳр-муҳаббат билан парвариш қилади. Келинг, биз ҳам парвариш қилаётган ҳар бир ниҳилимизга меҳр билан қарайлик. Қайси ота-она фарзандини бахтсиз, нушуд бўлишини, туз ичган тузликка тупуришини истайди. Бирорта ҳам бундай ота-она йўқ."

Шундай экан, ҳар бир оиламиз маънавият бешиги маънавият қўрғонига айлансин. Токи, биз тарбия қилаётган фарзандларимиз аввало бутун халқимизнинг суянчи қисмида тоғи, ғурури, қолаверса, инсониятнинг ифтихори бўлиб вояга етсин. Шундагина бу бахтиёр фарзандларимиз Ватанимизнинг ҳам бахтига айланади. Бу шунчарки ниятимиз эмас, ота-она сифатида, оила бошлиғи сифатида бизнинг қатъий ва фидойилик билан бажариладиган бурчимиздир."

**Аҳрор ЭРҒАШЕВ,**  
Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси



Бугунги кунда айрим фарб давлатларида оила тушунчасининг дарз кетаётганига, муқаддас қадриятлар, бурч ва маъсулиятнинг тобора заифлашиб бораётганига, жамиятнинг энг катта таянчи деярли барҳам топаётганига қўйлаб мисоллар келтириш мумкин. Биз учун эса оила — Ватан каби муқаддасдир. Биз илк бор Ватанга фидолик, послобонлик дарсини оила қадрини асраш, ҳимоялаш орқали оламиз.

Биласизми, нега бизда меҳрибонлик, мурувват уйлари ўзларини "инсонпарвар демократия" ўчоғи санайдиган давлатлардан анча кеч, 2-3 аср кейин — XX-аср ўрталарига келиб ташкил топа бошлаган.

Тарихий маълумотларга қараганда, Америка ва Фарбий Европада болалар, қари-

си маҳалла" деган гапларга нима дейсиз?

Қолаверса, давлатимизнинг Асосий қонуни — Конституцияимизда инсон ҳуқуқлари борасида бошқа ҳеч бир демократик давлатларнинг қонунига ўрамайдиган принциплар мавжуд. Конституцияимизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги, 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурликлари, 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳамда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзанд-

туфайлидир. Бунга кун кечириб қийин бўлган замонларда ҳам ўнлаб болаларни асраб, ўз бағрига олган ўзбек оилалари, ота-онасини елкасида опичлаб ҳажга олиб борган ўзбек фарзандлари ҳақида қанчадан-қанча мисоллар келтириш мумкин.

Бугун ҳам меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари Бош қомусимизда белгилаб қўйилгандек, аввало давлатимиз, қолаверса, халқимиз, саҳода ватанпеша юртдошларимизнинг доимий эътиборида. Уларнинг ҳар жиҳатдан тўқис яшашлари, билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилган, ҳуқуқ ва эркинликлари қонунан қаролатиб қўйилган.

Мамлакатимизда қомил инсон, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига катта

### Кусур

## Ғийбат ҳақида "Ғийбат" лашамиз

Кўпинча қулғимизга чалиниб қоладиган ғийбатимиз гапларга эътибор қилмаймиз. Аслида эътироз билдиргимиз келади. Аммо оғиз кўпиртираётган ўша одамлар разм солиб, бундайларга панд-насиҳатлар қор қилмаслигига амин бўламиз. Ғийбат инсонга хос бўлмаган иллат сифатида азалдан қораланган. Муқаддас Ислоҳ динида ҳам ғийбат ва ғийбатчилик нечоғли гуноҳ эканлигини исботловчи ҳикоят ва ривоятлар мавжуд. Улардан бирида шундай дейилади:

Анас (р.а)дан ривоят қилинади: Расули Акрам (с.а.в) айтадилар: Меърож кечаси бир гуруҳ кишиларга дуч келдим. Тирноқлари билан юзларини тимдалдилар. Эй, Жаброил, булар кимлар?

— дедим.  
— Улар инсонларни ғийбат қилганлар, яхшиларнинг ор-номусига тил теккизганлар! — дедилар.  
Нахотки, бунинг давоси бўлмаса? Ахир, ғийбат қилаётган одам нафақат ғийбат қиланаётган инсонга, балки назардан

қолиб ундан ҳам зиёд даражада ўзига зарар етказди-ку!..

Яқинда кўпдан бери кўрмаган дугонани учратиш қолдим. У яшаб турган маҳалласидан кўчиб кетиш учун уй қидираётганини айтиб қолди. Қаердан олишни мўлжаллаясиз, деб сўрасам "Ғийбат камроқ жойдан" деб алам билан кулиб қўйди. Бу истеҳзонинг сабабини кейинчалик билдим. У хўрсиниб, кўз ёши аралаш бошидан ўтганларини айтиб берди: "Мен "Одноклассник" деб номланувчи сайтга кирган эдим. Бу билан ота-онам шаънига доғ туширадиган иш қилганим йўқ, фақат зериккан пайларимда дўстларим билан суҳбатлашардим ва у ерга бир-иккита суратларини ҳам жойлаштирдим. Кунларнинг бирида отам ўйга ранглири ўчган ҳолда кириб қолди. Менга

"Қизим, расмларингни қаерга жойлаштирган бўлсанг, олиб ташла!", деди. Шу кун отамнинг аҳволи оғирлашиб қолди, шифохонага олиб кетишди, ўта қаттиқ сиқилишдан миёна қон қуйилган экан. Ўша ерда вафот этди. Кейин билсам, маҳалламиздаги бир кишининг ўғли "одноклассник"дан меннинг расмларимни "топиб олган" ва отасига кўрсатиб: "Қаранг, Файрат акани қизи" деган. Отаси эса маҳаллада "битта қизини эплай олмапти", "қандайдир сайтда расмлари бор экан", "қизи ўзини ўзи реклама қилмоқчи" деган бўлмагур гаплар тарқатибди. Бу гаплар эса, табиийки, отамнинг қулғига етган экан.

Энди кўчамиздан ўтаётганимда бўғзимга нимадир тикилади... Балки, эҳтиётсизлигим, соддалигим туфайли бунга ўзим ҳам сабабчидирман. Аммо аслида

ҳақиқий айбдорлар — ғийбатчилардир.

Дугонанинг қуюниб айтган гапида жон бор эди. Билиб-билмай айтилган «гап-сўз»лар туфайли бир инсон ҳаётдан қўй юмган. Нахотки, бировнинг ортидан ёмонлаб, унинг иллатларини тўлиб-тошиб гапирган бирор наф бўлса? Ҳеч шу саволни ғийбат қилаётганлар ўйлаб кўрармикин?!

Халқимиз — меҳрибон, меҳмондўст ва очиккўнгил. Авваллари "ғийбатчи" деган номни аёлларга нисбатан ишлатишарди, эндиликда эркеклар ҳам бу борада улардан қолишмайдиган кўринадди.

Барча ноҳўя ишлар беқорчилик сабаб келиб чиқади. Шу босиб, бировнинг ортидан гапиргандан кўра фойдали ишлар билан шуғулланган маъқул. Ғийбат кам жойни қидиргандан ҳам фойда йўқ, чунки бун-

дай жой авваламбор кўнгилда пайдо бўлиши лозим. Демак, биринчи галда кўнгилни поклаш керак. Шунда тил ҳам ғийбат қилишдан «уялади». Зеро,

жой одамни эмас, одам жойни обод қилади, деб бежизга айтилмаган.

**Нодира ИНОҒОМОВА,**  
ЎзДЖТУ талабаси



## Болажонларга байрам тухфаси

Ҳар қандай байрам кишиларга хурсандчилик, яхши кайфият ва кўтаринки руҳ улашади. Шундан бўлса керак, бундай кунларни одамлар иштиқлик билан қўтишади. Айниқса, байрам кунлари болажонларнинг шодлигига шодлик, қувончига қувонч қўишади. Чунки улар шодиёналар арафасида ота-онасидан, ақинларидан турли хил совғаларни олади. Энг асосийси, кўплаб маданий тадбирларда, ҳар хил кўнгилочар томошаларда иштирок этишади. Бу эса бир умр уларнинг жажжи қалбларида муҳрланиб қолади.

Яна санокли кунлардан кейин нишонланадиган Янги йил фарзандларимизнинг энг севили байрамларидан бири бўлса, ажабмас. Чунки улар оз эмас, кўп эмас — ўн икки ой интизорлик билан кутган Қорбобо ва Қорқиз билан учрашади, уларга ёдлаган шеър ва кўшиқларни айтиб беришади. Эвазига совғалар олишади. Болажонларга "арча байрами" ёки иккинчи сабабларидан яна бири — бу пайтда улар қишки таътилда бўлади.

Ортимизда ҳар йили турли ташкилотлар, ижодий жамоалар ва бириктирилган томонидан байрам ва таътил кунларида болажонларнинг дилини шоду хуррам этиш мақсадида бир-биридан қизиқари ва аjoyиб тадбирлар ташкил этилади. Жорий йил ҳам бу анъана давом эттирилмоқда.

Янги йил тадбирларидан энг асосийси — ҳадемай пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" санъат саройида ўтказиладиган "Президент арчаси" байрам тадбирини Юрт-

бошимизнинг Ватанимиз келажак бўлган ёш авлодга бўлган юксак эътибори ва гамжўрлиги ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, қолаверса, бутун халқимиз болалари учун ҳар йили ташкил этиладиган ушбу байрам ниҳоятда ранг-баранглиги, қизиқарлилиги билан болажонлар қалбидан жой олган. 29-30 декабрь кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган бу йилги "Президент арчаси" тадбирида "Томоша" болалар театр-студияси ўзининг ранг-баранг чиқишларини намойиш этишни кўзда тутмоқда.

Шунингдек, ўзининг "Олтин жўжа", "Сирли сандик", "Зумрад ва Қиммат", "От йиғлаган томонларда" "Минг бир кеча" каби спектакллари билан минглаб ёшларнинг қалбидан жой олган Республика ёш томошабинлар театри жамоаси ҳам Янги йил арафасида ва қишки таътил кунларида болажонларни хушнуд этиш ниятида бир қатор байрам дастурларини тайёрла-

ган. Ана шулардан бири "Қорбобо халоскори" мусиқали эртак пьесасидир. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Жавлон Тошхўжаев томонидан яратилган мазкур сахна асаридан эзуликнинг ёвузлик устидан доим зафар қозонишни содда ва тушунарли, аҳамиятли, болалар тушуна оладиган эпизодларда ифодалиб берилган. Спектакль бош қаҳрамони — мактаб ўқувчиси Анварнинг сеҳр жодулар орасидаги саргузаштлари ёш авлоднинг ҳеч бир вақилини эътиборсиз қолдирмайди. Шунингдек, ушбу асардан ўрин олган турфа кўшиқ ва рақслар ҳам ёш томошабинларнинг бир умр қалбидан муҳрланиб қолиши турган гап.

Атайин Янги йил байрами ва қишки таътил кунларига мўлжалланиб сахналаштирилган "Қорбобо халоскори" спектакли шу йил 26 декабрдан келгуси йилнинг 10 январига қадар кўннига тўрт марта, соат 10<sup>00</sup>, 12<sup>00</sup>, 14<sup>00</sup> ҳамда 16<sup>00</sup>ларда намойиш этилиши режалаштирилган. Эътиборли томони, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва имконияти чекланган болалар асарни бепул томоша қилишади.

Одатда, байрам ва таътил кунларида ота-оналар ишда бўлади. Буни ҳисобга олган театр жамоаси 2012 йилдан бошлаб шанба ва яқшанба кунлари ҳам болажонлар билан бирга бўлишни ўз олдига мақсад қилиб олишган. Қолаверса, "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан жамияти-

мизнинг бош бўғини оила, ундаги эзгу туйғулар муштараклиги ва миллий қадриятларимизга бағишланган янгидан-янги спектакллари сахналаштиришни ният қилишган.

Бундан ташқари, Республика ёш томошабинлар театри жамоаси яратилган сахна асарлари муаллифларини таклиф этиб, маданият масканига келган болажонлар билан суҳбатлар уюштиришни мўлжаллаб туришибди.

— Маълумки, ҳар бир бола спектаклни томоша қилганидан сўнг унда бир қатор саволлар пайдо бўлади, — дейди бу борада фикр билдирар экан театр директори Саид Алимхўжаев. — Уларга энг яхши жавобни эса сценарий муаллифлари беришади. Негаки, улар асар қаҳрамонларини сизу биздан яхшироқ тушунишади, ҳис этишади.

Яна бир гап. Театр ижодкорлари томонидан "Қор маликаси" спектакли рус тилида ҳам намойиш этилиши кўзда тутилган. Бу сахна асарини бир ҳафтада тўрт марта қўйилади.

Барча ижодий жамоалар сингари Республика Кўғирчоқ театри вакиллари ҳам болажонлар байрам ва таътилни мароқли ўтказишлари учун кўплаб чиқишлар тайёрлашган. Жумладан, А.Чежиков ва В.Смирнов томонидан яратилган "Қорбобо арчаси" спектакли 24 декабрдан 10 январгача кўннига икки маҳал, соат 11<sup>00</sup> ва 13<sup>00</sup>да намойиш этилади. Уйлаймики, бу сахна асари ҳам саргузаштларга ва қизиқарли воқеаларга бойли-



ги билан дилбандларимизга манзур бўлади.

Бугун барчанинг уйида кичик кинотеатрлар бор. Уларда хоҳлаган экран асарини маъза қилиб кўриш мумкин.

Лекин бунинг гашти кинотеатрларга бориб фильм томоша қилганчалик эмас. Айниқса, болалар учун катта экранларда кинони кузатиш ўзгача шавқ ва завқ бағишлайди. Мана шуларни ҳисобга олган "Ўзбекино" миллий агентлиги янги бир фильм тақдими тини ўтказди. Таниқли режиссёр Ҳамидилло Ҳасанов томонидан яратилган "Учар от" картинаси байрам ва таътил кунлари кинотеатрларда қўйилиши режалаштирилган. Фан-

тастик жанрдаги ушбу фильмда умумбашарий туйғулар тараннум этилган бўлиб, ундаги ҳар бир деталь фарзандларимизни бефарқ қолдирмайди. Уларнинг қалбига эзулик уруғини сепади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, барча ижодий жамоалар қаторида Тошкент давлат цирки ҳам Янги йил байрамига қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Цирк жамоаси томонидан "Сеҳрли эртаклар китоби" номида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда масҳарабоз ва турли ҳайвонлар иштирокида бир-биридан аjoyиб чиқишлар оммага хавола этилади. Жорий йилнинг 24 декабрдан келгуси йилнинг 10 январига қадар

давом этадиган цирк томошалари бир кунда беш марта, соат 10<sup>00</sup>, 12<sup>00</sup>, 14<sup>00</sup>, 16<sup>00</sup>, 18<sup>00</sup>ларда намойиш этилади.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда Янги йил байрамининг кўтаринки руҳида ўтишига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Оммавий тадбирлар ташкил этиладиган жойлар ҳамда Маданият ва истироҳат боғларида кўркам арчалар безатилиб, болажонлар учун аjoyиб-ғаройиб спектакллар тайёрланмоқда. Уйлаймики, бу йилги Янги йил байрами ҳам фарзандларимизнинг хотирасида узок вақт сақланиб қолади.

Азим РЎЗИЕВ,  
"Hurriyat" мухбири

ЧЕКСИЗ МУЛОҚОТ

«MTC VIP» ТАРИФИ

\$0

Тармоқ ичидаги барча қўнғироқлар

Изоҳ:

\* «MTC VIP» тарифига ўтиш учун \*1116#\* US\$0—номандасини териш керак

MTC

бир қадам олдинда



Халқаро рейтинг агентлиги

STANDARD & POOR'S

2011 йил 16 декабрда

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг

кредит рейтинги даражасини

В дан В+ га

КЎТАРДИ.

ИСТИҚБОЛИ:

«Барқарор».

Ватанимиз равнақи йўлида сиз билан бирга!

www.nbu.com

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528



Бош муҳаррир

Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51  
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-592-85-02  
Самарқанд — 8-366-233-62-12  
Сурхондарё — 8-376-396-30-59  
Фарғона — 8-373-215-80-58  
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:

Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21<sup>00</sup>  
Топширилди — 04<sup>30</sup>

® — тижорат белгиси.

Адади: 5111 Буюртма — Г-1255 1 2 3 4 5